



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2026 йил 18 апрель, № 77 (9248)

Шанба Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ТАНТАНАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида шахматчимиз, Халқаро шахмат федерациясининг Номзодлар турнири голиби Жавоҳир Синдоровни шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Шахматимиз тарихида биринчи мартаба Жавоҳир Синдоров Номзодлар турнирида галаба қозониб, том маънода тарихий натижага эришди.

Мусобақа давомида у дунёнинг энг кучли гроссмейстерларига қарши юксак маҳорат ва катта жасорат билан кураш олиб борди, ҳар бир баҳсда қатъият, кучли ирода ва интеллектуал устунлигини

намоён этди. Айниқса, бир марта ҳам мағлубиятга учрамай, 14 та партияда 10 очко тўплагани, натижада очколар ва галабалар сони бўйича рекордлар ўрнатгани шахмат оламида камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодисадир.

Президентимиз маросимда сўзга чиқиб, Жавоҳир Синдоровни маъзури тарихий зафар билан яна бир бор самимий қутлади. Бу

бутун халқимизнинг, Янги Ўзбекистоннинг галабаси эканини таъкидлади.

— Албатта, ҳеч бир натижа ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг замирида узоқ йиллик тимисий меҳнат, болаликдан орттирилган тажриба, қатъий ирода, темир интизом, ва албатта, устоз ва мураббийларнинг сабоғи, ота-она, бобо ва бувижонларнинг дуоси мужассам. Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай ўзбек ўғлонини тарбиялаб, вояга етказган бобонг ва бувингга, ота-онанга, устоз ва мураббийларингга яна бир бор ўзимнинг миннатдорлигимни билдирман, — деди давлатимиз раҳбари.

Қайд этилганидек, Жавоҳир Синдоров турнир давомида шахмат тахтаси устида ўзбек халқига хос бўлган мустаҳкам ирода,

ўзига ишонч, чуқур тафаккур ва сабр-бардошни намоён этди. Айниқса, Ҳиндистон, АҚШ, Хитой, Нидерландия, Германия ва Россия вакиллари бўлган супер гроссмейстерларга қарши босиқлик ва мардондорлик билан кураш олиб боргани алоҳида эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари Жавоҳир Синдоровнинг бу юксак ютуғи мамлакатимизда спортга, жумладан, шахматни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самараси эканини таъкидлади. Бугун Янги Ўзбекистонда ана шундай голиб, мард ва матонатли ёшлар камол топаётгани барчамизга чексиз фахрифтхор бағишлайди. Шу маънода, бугун FIDE рейтингидagi энг кучли беш шахматчидан икки нафари ўзбек ўғлони экани миллий шахмат мактабимизнинг салоҳияти ва нуфузи тобора юксалаётганидан далолат беради. Буларнинг барчаси минглаб истеъдодли ёшларимиз, умидли шахматчиларимиз учун катта мотивация бўлиши таъкидланди.

Маросимда Жавоҳир Синдоров олдидан турган навбатдаги юксак марралар ҳақида ҳам сўз юритилди. Унинг жаҳон шахмат тоғи учун бўладиган ҳал қилувчи беллашувида муносиб иштирок этишига,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ СИНДОРОВ ЖАВОҲИР САНЖАРБЕКОВИЧНИ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистон шон-шухратини халқаро миқёсда юксалтиришга қўшган улкан шахсий ҳиссаси, мамлакатимизда шахматни кенг оммалаштириш, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу спорт турини тарғиб этиш, навқирон авлод қалбида миллий гурур, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш борасидаги катта хизматлари, шунингдек, Кипрда ўтказилган Халқаро шахмат федерацияси Номзодлар турнирида ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти ва профессионал маҳоратини яққол намоён этиб, дунёнинг энг кучли гроссмейстерлари орасида рекорд натижалар кўрсатгани ва мuddатидан олдин голибликни қўлга киритгани учун шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Синдоров Жавоҳир Санжарбекович «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2026 йил 17 апрель

Фахр ДОВРУҒИ ДОСТОН ЎҒЛОН



Оққан дарё оқмай қолмас. Иқтидору салоҳият ҳам, қувваи ҳофиза ҳам илик суради, деганлари рост. Спортчимиз Жавоҳир Синдоров ўзининг оламшумул галабалари орқали бутун дунёга Хоразмий, Беруний каби алломаларнинг, Амир Темуру Мирзо Бобур сингари жаҳонгирларнинг бугунги авлодлари ҳам буюк ишларга қодир эканини исботламоқда.

...Пойтахтимизда янгидан барпо этилган «Тошкент-Хумо» халқаро аэропортида байрамона шуқуҳ ҳукм сурмоқда. Бу ерда мамлакатимиз шахмат спорти нуфузини янги босқичга кўтарган, жаҳон ҳамжамиятини хайратга солган ёш қаҳрамон — FIDE Номзодлар турнири — 2026 голиби Жавоҳир Синдоровни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА МЕХАНИЗМЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 17 апрель куни аҳолини, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва сифатини ошириш, шунингдек, бу соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар такдимоти билан танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, эҳтиёжманд фуқароларга давлат кўмагини манзилли ва шаффоф тарзда етказиш, хизматларни рақамлаштириш ҳамда уларни проактив шаклда тақдим этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парварishiга муҳтож фуқаролар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган оилалар, тазийқ ва эътибордан жабрланган аёллар ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатаётган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Тақдимотда руҳий ҳолатида бузилишлари мавжуд ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, бу борада асосий мақсад — уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш, оила муҳитига яқин шароитда комплекс хизматлар кўрсатиш, шунингдек, парварishi билан банд бўлган оилаларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Хусусан, 2026 йил 1 июнга қадар 0 — 3 ёшда ривожланишида нуқсонлар аниқланган болалар учун илк бор «Эрта ара-лашу» хизмати босқичма-босқич жорий этилади. Ушбу хизмат орқали махсус педагог-

лар ва даволловчи жисмоний тарбия йўриқчилари иштирокида болаларга коррекцион-педагогик ёрдам, нутқ ва жисмоний ривожлантириш машғулотлари кўрсатилади. Хизмат нодавлат ташкилотлар томонидан махсус электрон реестр асосида йўлга қўйилади. Шунингдек, анатомик нуқсонлар билан туғилган болаларнинг кўшимча тиббий текширув ва жарроҳлик харажатлари Давлат тиббий сўғурта жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Руҳий ҳолатида бузилишлари мавжуд I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам 2026 йил давомида босқичма-босқич янги ижтимоий хизматлар жорий этилади. «Янги кун» кундузи қараб туриш хизмати, уй

шароитида қараб туриш хизмати, кичик ҳажмли «Мадад» уйи хизмати ва «Ижтимоий таътил» қисқа муддатли жойлаштириш хизмати йўлга қўйилади. Бу хизматлар қараб туриш ва парварishi қилиш, кундалик ҳаёт кўникмаларини шакллантириш, маиший ишларга ўргатиш, касб ва молиявий ҳисоб-китоб кўникмаларини ривожлантириш орқали оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлади.

Мазкур янги хизматлар давлат-хусусий шериклик асосида малакага эга бўлган ва зарур талабларга жавоб берадиган нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилади. Бу орқали 2026 йилда 8,3 минг нафар руҳий ҳолатида бузилишлари мав-

жуд шахсни янги хизматлар билан қамраб олиш, 600 тагача нодавлат ташкилот ва яққа тартибдаги тадбиркорларни ижтимоий хизмат кўрсатишга жалб этиш режалаштирилган. Янги хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан субсидия шаклида қоплаб берилади.

Шу билан бирга, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб 18 ёшдан катта чуқур даражадаги ақлий заифлик ташхиси қўйилган шахсларнинг парварishi билан банд бўлган қонуний вакиллар учун ҳар ойлик янги парварishi-лаш нафақаси жорий этилади.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ МАЙДОНИДА ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси «Келажақ авлодлар манфаатлари йўлида ишончли мустаҳкамлаш, барқарор тинчликни таъминлаш ва адолатли қарор топтириш» мавзусида ўтказилган Парламентлараро Иттифоқнинг 152-ассамблеясида фаол иштирок этмоқда.

Ассамблея доирасидаги умумий дебатларда барқарор тинчлик ва адолатли таъминлаш жараёнида Ўзбекистон ёшларининг ўрни бекиёс экани алоҳида қайд этилди. Бугунги глобал ўзгаришлар шароитида навқирон авлод нафақат ижтимоий қатлам, балки жамият тараққиётини белгилайдиган

қарорлар қабул қилиниб, 200 дан ортиқ имтиёзлар, йигит-қизлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу мақсадда жорий йилда «Барқарор келажақ сари» давлат дастури амалга оширилганлиги айтилди. Унинг доирасида таълим, илм-фан, IT ва инновациялар, ёшлар бандлиги, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, маданият, санъат, спорт ва экологик тарбияни ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

Апрель — «Амир Темур ойлиги»

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ТАРИХИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ТАЖРИБАСИГА УЙҒУН

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Амир Темур ва теурийлар меросининг умумбашарий цивилизация тарихидаги ўрни ва аҳамиятини чуқур ўрганиш, уни юртимиз ҳамда чет элларда кенг оммалаштириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг «Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори теурийлар бой меросини ўрганиш, илмий натижаларини кенг тарғиб қилиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг апрелни «Амир Темур ойлиги» сифатида кенг нишонлаш тўғрисидаги ташаббуси ҳозирги ислохотлар билан ўша даврдаги сиёсий қарорлар қабул

қилиш тажрибасини қийслаб таҳлил этиш, чуқур ўрганиш имкониятларини оширмоқда. Бинобарин, жиддий сиёсий қарорлар ишлаб чиқишда халқ манфаатларини юқори ўринга қўйиш, маслаҳатлашув институтларининг илди-ларини Амир Темур даврида шаклланган бошқарув тизимида ҳам кўриш мумкин.

Амир Темур давридаги қурултой — давлат ҳаётидаги энг муҳим қарорлар қабул қилинадиган олий сиёсий майдон бўлган. Унда турли қатлам вакиллари иштирок этгани эса қарорларнинг жамоавий ва легитим бўлишини таъминлаган.

2

3

2

ЖАВОҲИР

Темурбек наслдан шахзодадир ҳўб, Ниғоҳини тождан олмас Жавоҳир. Бу дунёда ялтир-юлтур тошлар қўп, Энг тоза, энг ноёб олмас Жавоҳир!

Олтин авлод ичра яқрираган ганж, Ҳар юриш ортида неча заҳмат, ранж, Қалтис ўйин эрур бу кўҳна шатранж, Отта қамчи босар — толмас Жавоҳир.

Пишнаб, бир-биридан ўзар рақиблар, У-чи, энг олдинда — тўзар рақиблар. Тўзоқ қуриб, йўлин тўсар рақиблар, Чалғимас, йўлидан қолмас Жавоҳир.

Олисни кўзлаган фарзин, фили бор, Руҳи тик отилгай — тўғри феълӣ бор, Пидёлалар — қалқон бўлган эли бор, Бехуда қирғинга солмас Жавоҳир.

Орта тоғдай турар донишманд шоҳи, Ҳар сипоҳ ҳолини билгич — огоҳи. Қўллар юрт сарвари, давлатпаноҳи — Эъзозу ардоқдан лол, маст Жавоҳир!

Шу буюк миллатнинг арзандаси у, Элнинг қулган болли, шўҳ хандаси у, Ўзбек зақосининг гоҳи саси у, Тафаккур тахтидан тонмас Жавоҳир!

Ватан туғин баланд тутавер, ўғлон, Тилла тож сеники — ўтавер, ўғлон! Тўхтама, ютавер, ютавер, ўғлон, Халқим галабанга қонмас, Жавоҳир!

Нодир ЖОНУЗОҚ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА МЕХАНИЗМЛАР

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ваколатлари ҳам кенгайтирилади. 2026 йил 1 июндан бошлаб уларнинг ходимлари туман ва шаҳар ҳокимликлари хузуридаги васийлик ва ҳомилийк комиссиялари таркибига киритилади. Шунингдек, рухий ҳолатида бузилишлари мавжуд шахсларга тайинланган васий ва ҳомилийк томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши, ушбу шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, мол-мулкнинг муҳофазаси, уларга нисбатан таъйик ва зўравонлик ҳолатлари мунтазам мониторинг қилиб борилади.

Интернат муассасаларини трансформация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Таклифларга кўра, “Мурувват” интернат уйлари босқичма-босқич “Гамхўрлик” марказларига

айлантирилади. Энди мазкур муассасалар, асосан, тиббий-ижтимоий эмас, балки ижтимоий ёндашув асосида ишлайдиган, шахсни жамиятга мослаштиришга қаратилган марказлар сифатида фаолият юротади. У ерда яшовчиларни спорт, ижодий, эрготерапия, меҳнат ва ижтимоий-маънавий терапияга жалб қилиш, “мураббий кузатувиди” мустақил яшаш хизмати орқали ҳаётий кўникмаларни шакллантириш, оилавий муҳитга яқин кичик ҳажмли уйлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Тақдимотда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган янги ташаббуслар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, шахсни ногиронлик белгиси бўйича камситиш учун жавобгарликни кучайтириш, суд қарорларини ногиронлиги бўлган шахслар учун ма-

бул шаклда тақдим этиш, ижтимоий хизмат ва қарорларни ягона Ижтимоий реестр асосида манзилли йўналтириш назарда тутилмоқда.

Кундузги парваршиш хизматларини ривожлантириш ҳам муҳим йўналиш сифатида қайд этилди. 3 — 18 ёшгача ногирон фарзандини кундузги парваршиш хизматида берган ота-оналар учун ушбу хизматга қарай ойда тўланадиган 3 миллион сўмгача бўлган маблагни даромад солиғидан, давлат-хусусий шериклик асосида ногиронлиги бор болаларга кундузги парваршиш хизматини кўрсатаётган тадбиркорларни эса 2030 йилгача солиқлардан озод қилиш кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда бундай хизматлар 396 та тадбиркор томонидан йўлга қўйилган бўлиб, улар 4,4 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган болаларга хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга тоифаларни кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, 1 гуруҳ ногирони бўлган шахслар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи бир нафар шахсга, шунингдек, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронларига тенглаштирилган шахсларга мазкур ҳуқуқни татбиқ этиш таклиф қилинмоқда.

Тақдимотда таъйик ва зўравонликдан жабрланган аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган янги механизмлар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, уларни алоҳида муҳофаза қилиш, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси асосида иш қиладиган шахс сифатида рўйхатга олиш, ишга жойлаштириш хизматларини кўрсатиш ва натижалар бўйича тезкор ахборот алмашиш тар-

тибини жорий этиш режалаштирилган.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг айрим шаклларига қарши курашиш соҳасида ҳам қонунчиликни кучайтириш масаласи кўриб чиқилди. Уларга кўра, вояга етмаганлар тасвирланган порнографик материалларни тарқатиш мақсадида сақланганлик учун алоҳида маъмурий жавобгарликни белгилаш, шу каби ҳуқуқбузарлик тасвирланган содир этилганда жиноий жавобгарликни қўллаш, интернет ва телекоммуникация тармоқлари орқали 16 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этганлик учун жазони кучайтириш назарда тутилган. Вояга етмаганлар тасвирланган порнографик маҳсулотларни тарқатиш мақсадида республикага олиб кирганлик, бундай маҳсулотни тайёрлаганлик, рек-

лама қилганлик, намойиш этганлик ёки вояга етмаганни порнографик ҳаракат ижроси сифатида жалб этганлик учун озолиқни маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончи ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг қонуний вакили институти жорий этилмоқда ва сўроқ қилишнинг аниқ вақт меъёри белгиланмоқда.

Тақдимотда Жиззах вилоятида “ислохотлар штаби” томонидан маҳаллаларнинг солиштирма устунликлари келиб чиққан ҳолда шакллантирилган лойиҳалар тўғрисида ҳам ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимоя соҳасидаги янги механизм ва таклифларни маъқуллаб, тегишли қонун ҳужжатларини имзолади.

Ў.А.

ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ МАЙДОНИДА ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

Таъкидланганидек, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мазкур устувор йўналишларга тўлиқ мос келиб, ёшлар манфаатларини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини назарда тутади. “Барқарор ривожланиш сари” давлат дастури эса ушбу стратегиянинг амалий ифодаси сифатида хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги ўзаро боғлиқ дунёда миллий сайёҳатларни халқаро ҳамкорлик билан уйғунлаштириш зарурлиги қайд этилди. Ёшлар нафақат миллий, балки глобал ресурс экани, улар чегара билмас фикрлар ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун ўзаро мулоқот ва тажриба алмашув платформаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Тадбир давомида Ўзбекистон халқаро ҳамкорлиги мустаҳкамлаш, айниқса, ёшлар парламентаризми соҳасида мулоқот ва тажриба алмашувини кенгайтириш ташаббуси билан чиқди.

Ассамблея доирасида Туркий давлатлар парламенти раҳбарларининг биринчи норасмий учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Унда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида давлат раҳбарлари ўртасида

шаклланган самарали ҳамкорлик натижасида иқтисодий ривожланиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ҳамда маданий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган қатор ташаббуслар амалга оширилаётгани қайд қилинди.

Иштирокчилар парламентларнинг ушбу жараёндаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхтади. Хусусан, қонунчилик базасини такомиллаштириш, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлаш орқали ҳамкорлигини янада кучайтиришда парламентлар муҳим ўрин тутади ҳамда халқ вакиллик органлари сифатида ушбу жараёнларни рағбатлантириш ва барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим институт сифатида намоён бўлаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон томони туркий давлатлар ўртасида парламентлараро мулоқотни янада ривожлантириш, қонунчилик фаолиятини мувофиқлаштириш, таълим, фан, маданият ва иқтисодий ҳамкорлик соҳаларида қўшма ташаббусларни илгарчи суриш ҳамда илғор тажрибалар билан ўзаро ўртоқлашишга тайёр эканини билдирди.

Форум ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Истанбул шаҳрида ўтказилаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 152-ассамблеяси доирасида Ёш парламент аъзолари форуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати Раиса Танзила Нурбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси, Ёшлар парламенти аъзолари муҳим ташаббус ва таклифларни илгари сурди.

Форумда бугунги кунда ёш қонун ижодкорлари адолатли, хавфсиз ва барқарор дунё барпо қилишда асосий ўрин тутаётгани юзасидан қизгин муҳокама олимбори бўрилди. Ёшларни парламент ва давлат бошқаруви жараёнига жалб этиш, уларнинг қарор қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш бўйича фикр алмашиш, тадбирда глобал ўзгаришлар, хусусан, геосиёсий кескинликлар ва иқтисодий алоқалардаги мураккаблиқлар шариотида парламент дипломатиясининг аҳамияти ортиб бораётгани айтилди.

Таъкидланганидек, бугунги шариотда ёш парламент аъзолари нафақат сиёсий жараёнларда иштирок этувчи, балки адолатли глобал иқтисодиётни

шакллантиришга ҳисса қўшувчи муҳим кучга айланмоқда. Протекционизм кучайиши, таъминот закирларининг узилиши ва иқтисодиётнинг қутбларга бўлиниши шариотида, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар ва ёшларга таъсир кучаймоқда. Шу боис халқаро миқёсда солиқ шаффофлигини таъминлаш, молиявий ресурсларни таълим, соғлиқни сақлаш, рақамли трансформация ва ёшларни қўллаб-қувватлашга йўналтириш долзарб аҳамият касб этади.

Форум доирасида жорий йилнинг 4 — 6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқ Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференциясига бағишланган видеоролик намойиш этилди. Унда

бўлажак анжуманнинг мазмун-моҳияти, унинг халқаро аҳамияти ҳамда Самарқанд шаҳрининг юксак меъзолик салоҳияти атрофида ва таъсирчан тарзда ёритилди. Форум иштирокчиларида видеоролик катта қизиқиш уйғотиб, Ўзбекистондаги ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар юқори баҳоланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ташаббус Ўзбекистон Президенти томонидан Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида илгари сурилган бўлиб, у ёш парламент аъзолари ўртасида глобал мулоқот ва ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон вакиллари халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ёшлар парламентаризми бўйича мулоқот ва тажриба алмашувини янада кенгайтириши илгари сурмоқда. Шу нукта назардан, мазкур 12-глобал конференция муҳим халқаро платформа сифатида эътироф этилмоқда.

«Халқ сўзи».

ДОВРУФИ ДОСТОН ЎҒЛОН

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт соҳаси мутасаддилари, санъат ва маданият намояндлари, ижодкор зёиёлари, спортчи ва мураббийлар, шунингдек, кенг жамоатчилик ҳамда шахмат ислохотчилари қатнашди.

Тадбирда Кипрда яқунланган “FIDE Номзодлар турнири — 2026” мусобақасида ҳамкорлиги Жаҳоҳир Синдоровнинг голиблик шохсупасига кўтарилиши тарихий воқеалик сифатида қайд этилди. Мусобақани бирорта ҳам мағлубиятсиз якунлаб, 14 та ўйинда 10 очко тўплагани ҳамда галабалар сони ва барқарор натижаси билан рекорд кўрсаткичлар қайд этди.



Эътиборли жиҳати, Номзодлар турнирининг тақдирлаш маросимида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Жаҳоҳир Синдоров билан бўлган мулоқоти бутун дунёга намойиш этилган Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) ижросига қўмитаси аъзолари, нуфузли турнир ташкилотчилари, Кипр давлати вакиллари ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг давлатимиз раҳбарига ва Ватанимизга юксак ҳурмати ва эътирофи сифатида баҳоланди.

Маросимда сўз олганлар Жаҳоҳир Синдоров зришган галабалар замирида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, ёшлар сиёсати, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли эътибор ва амалий гамхўрлик мужассам эканини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда шахматни оммалаштириш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Юқори иқтидорли спортчиларни халқаро даражада тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинган бўлиб, соҳадаги ислохотлар самараси изчил намоён бўлмоқда. Натижада юқори рейтингга эга шахматчиларни тайёрлашнинг яхлит тизими шаклланди ва бу ёш иқтидорларнинг жаҳон ареналарида муваффақият қозонишига мустаҳкам замин яратди.

Жумладан, 2022 ва 2024 йиллардаги Бутунжаҳон шахмат олимпиадалари, 2025 йилги жаҳон кубоги, шунингдек, турли ёш тоифаларида ўтказилган жаҳон чемпионатлари ва халқаро турнирларда эришилган салмоқли натижалар бу тизимнинг амалий самарасини яққол тасдиқлади.

— Турнир давомида ота-онанинг, ақинларимнинг, бутун халқимиз ва Президентимизнинг қўллаб-қувватлашини, меҳри ва ишончини доим ҳис қилиб турдим, — дейди Жаҳоҳир Синдоров. — Айниқса, давлатимиз раҳбарининг мусобақа якунланмасдан олдин телефон орқали голиблигимни эътироф этиб, табриклагани мен учун унутилмас, ниҳоятда ҳаяжонли воқеа бўлди. Бу эътибор ва самимият менга янада катта куч, янги илҳом бағишлади. Яна бир бор Ўзбекистон фарзанди эканимдан кечмиш фахрдандим. Мақсадим — жаҳон шахмат тожмини юртимизга қайтариш. Шу йўлда янада кўпроқ меҳнат қиламан, чунки эл-юртимизнинг ишончи ва муҳаббати мен учун энг азиз неъматдир.

Хар бир истеъдоднинг замирида, аввало, тўғри тарбия туради. Улуғ зафарлар, катта ютуқлар ҳам оила муҳитида шаклланади. Жаҳоҳирнинг бугунги даражага етишида унинг меҳнати билан бирга, ота-онасининг меҳри, болалигидан берилган эътибор, бобоси ва буvasининг дуолари ҳамда ҳикматли ўғитлари муҳим ўрин тутган.

Оиладаги муҳит, ишонч ва қўллаб-қувватлаш ҳар бир имкониятни кучга айлантирди. Шу боис Жаҳоҳирнинг зафарида бобоси Комилжон Синдоров билан бирга буvisи Жамила аянинг ҳам хизматлари бекиб.

— Тантанали тадбирда набиранларни қўллаб келган шунча муҳлисларни кўриб, қалбим тўлқинланиб кетди, — дейди Жамила Синдорова. — Бу — Янги Ўзбекистоннинг Жаҳоҳир ўғлинига шон-шараф белгиси. Қувончимиз кечисиз. Оиламиз мусобақани катта ҳаяжон билан кузатиб борди. Турнир якунланишидан олдин давлатимиз раҳбарининг телефон орқали боламини табриклаши, оиламизга самимий тилак ва қутловлар йўллаши бизга улкан гуруҳ ҳамда руҳ бағишлади. Шундай меҳрибон, ёшлар ва спортчиларни қўллаб-қувватлайдиган Президентимиз борлигидан фахрдандим. Юртимизда менга ўхшаган катта буvisлар, менинг набирам каби чемпионлар янада бахтли яшасин.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили Одил Абдурахмонов, спорт вазири Аҳмад Икрамов, Миллий олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Отабек Умаров иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Йиғилиш ИМКОНИЯТЛАРДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИ?

Сурхондарё вилоятида Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар аъзолари, вилоят ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисида ҳудудга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, маҳаллий маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, логистика имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда тадбиркор ва экспортчиларга яратилаётган шариотлар муҳокама этилди. Мазкур масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари эшитилди.

Айтилганидек, давлатимиз раҳбари томонидан ҳудуднинг қулай географик жойлашуви ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, 2025 йилда 1,7 млрд. доллар, жорий йилнинг биринчи чорагида 500 млн. доллар миқдорда инвестициялар жалб этилган. Ўтган йили 834,2 млн. долларлик 617 та лойиҳа ишга туширилиб, 17 мингта янги иш ўрни яратилган.

Шунингдек, 2025 йилда 480 млн. долларлик, 2026 йилнинг биринчи чорагида эса 159,7 млн. долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниб, ўсиш суръатлари таъминланган. Ҳозирги кунда вилоятда 388 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилган.

Экспорт амалиётларини соддалаштириш мақсадида “Е-контракт” ахборот тизими жорий қилинган, шунингдек, Туркия, Хитой, Россия, БАА, Жанубий Корея, Афғонистон ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Мажлисида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва мавжуд муаммоларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Сенаторлар томонидан инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш, лойиҳалар ижросини кучайтириш, логистика рақобатбардошлигини юксалтириш ҳамда трансчегаравий иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди.

Муҳокама якунида тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенатининг 2026 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашишни кучайтиришга қаратилган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.



Унда Жиноят кодексини такомиллаштириш, хусусан, кибержиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди. Шу мақсадда вазирилик ва идоралар вакиллари билан ишчи гуруҳ шакллантирилгани таъкидланди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда ахборот технологиялари жадал ривожланар экан, шу аснода кибержиноятлар сони ҳам кескин ортиб бормоқда. Масалан, электрон тўлов тизимлари орқали маблағларни талон-торож қилиш, шахсий маълумотларни ўғирлаш, шунингдек, сунъий

интеллект ёрдамида овоз ва қиёфани сохталаштириш ҳолатлари кўпаймоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда рақамли маконда 20 турдаги жиноят қайд этилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 64 тага етган. 2025 йилда эса содир қилинган жами жиноятларнинг 49,6 фоизи ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятлар ҳиссасига тўғри келади.

Йиғилишда кибержиноятларнинг юқори яшириллик даражаси, уларнинг масофадан туриб содир этилиши каби омиллар уларнинг ижтимоий хавфлигини ошираётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Хавфсиз муҳит” тамойили доирасида нафақат жисмоний, балки рақамли маконда ҳам фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа экани қайд этилди.

Йиғилиш якунида кибержиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, қонунчиликни такомиллаштириш ва жазо чораларини кучайтириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан келишиб олинди.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Олий Мажлис Сенати аъзолари ўз фаолияти давомида ёшлар билан учрашувларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу каби жараёнлар сенаторларнинг йиғит-қизлар хузурида мулоқот ташкил қилиши ёки талаба ёшларнинг парламент юқори палатасига ташриф буюриб, унинг фаолияти билан танишиш шаклида амалга оширилмоқда.

Мулоқот

Куни кеча Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига хотин-қизларнинг давлат бошқаруви ҳамда фуқаролик хизматидаги ўрнини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган учрашувда иштирок этди.

Тадбир давомида сенатор мамлакатимиздаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар, жумладан, “Раҳбар аёллар мактаби” фаолияти ҳақида батафсил

маълумот берди. Мазкур лойиҳа келгусида юқори лавозимларда фаолият юритиш истига бўлган ёш ва салоҳиятли хотин-қизлар учун муҳим касбий майдон экани алоҳида таъкидланди.

Учрашув давомида талаба қизлар гендер тенглик, касбий ривожланиш, оила ва иш фаолиятини уйғунлаштириш каби масалалар борасидаги саволларига батафсил жавоб олди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатида ОХУС университети талабалари билан очик мулоқот ташкил этилди.

Унда ёшларга Сенат фаоли-



яти, унинг ташкилий тузилмаси, қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўрни ва аҳамияти тусиштирилди.

Мулоқот чоғида парламент фаолиятининг амалий жиҳатлари, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг муҳокамаси ҳамда қабул қилиш босқичлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Самимий руҳда кечган тадбирда талабалар ўз фикр-мулоҳаза-


лари ҳамда саволлари билан фаол иштирок этиб, долзарб масалалар юзасидан батафсил жавоб олди.

Таъкидланганидек, бундай учрашувлар ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат бошқаруви тизими ҳақидаги билимларини бойитиш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

Эндиликда мамлакатимизда крипто-активлардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН – 35 ЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Акс садо

Мазкур қарорда юртимиз мустақиллиги йилларида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни кенг тарғиб қилиш, халқимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодини миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берил-

ган. Улар ижросини таъминлашда барча соҳа ходимлари қаторида, биз — халқ вакилларидан ҳам янада фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади.

Хужжатда белгиланган, яъни 2026 йил август ойида ўтказилиши режалаштирилган "Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тарақ-

қиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар" мавзuida халқаро илмий-амалий конференция парламент аъзолари учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу тадбир эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш, қонунчилик тизимидagi янгиланишларни халқаро ҳамжамиятга тақдим этиш майдони вазифасини ўтайди.

Бугунги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратар эканмиз, асосий эътибор халқ билан мулоқот ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган. Мустақиллик йилларида, айниқса, сўнги 10 йилликда парламентнинг роли тубдан ўзгарди. Эндиликда Олий Мажлис халқ манфаатлари йўлида назорат ва ташаббусни ўз қўлига олган муҳим институтга айланди.

Қарор орқали ижтимоий тармоқларда кенг қўламли тарғибот акцияларининг бошланиши ёшлар ўртасида миллий ғояни замонавий

ҳамда таъсирчан усулларда тарғиб қилиш имконини беради. Айни пайтдаги глобаллашув даврида ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини рақамли технологиялар ва подкастлар орқали сингдириш энг тўғри ҳамда оқилона йўлдир.

Халқ вақили сифатида ҳудудларга чиқиб, сайловчилар билан кўп учрашамиз, мулоқот қиламиз. Шу жараёнда англашиладики, юртдошларимизда ишонч, шижоат ва юрт келажигига дахлдорлик ҳисси банд. Бу кайфият эртанги кунга умид, фаровон турмуш, бахтли оилалар, обод маҳаллалар, янги мактаблар ва замонавий тиббиёт масканларида ўз аксини топган истиқлол берган имкониятлар мевасидир.

Мазкур қарорнинг асл моҳияти шундаки, у бизни ўтган йўлимизга теран назар ташлашга, ютуқларимизни қадрлашга ва келажакка янада катта ишонч билан боқишга ундайди. Миллатнинг ҳурлиги ҳамда суверенитети байрамими муносиб нишонлашдан кўзланган бош мақсад халқимизнинг бирдам-

лигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистон бунёдкорларини юксак марраларга чорлаш ва келажак эгалари қалбида шукроналик туйғуларини уйғотиш, бу неъматни асраш, ҳимоя қилиш бурчини англаштириш иборат.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг бу қарори миллий суверенитет ҳамда давлат мустақиллиги ҳар қайси мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётининг энг асосий шартли эканини яққол ифода этмоқда. Миллий мустақиллигимиз мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида курашган фидойи аждодларимиз орзунимдларнинг ҳаётий рўёби бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу ишларимизнинг мустаҳкам асоси, келажак авлодларимиз учун беэволат етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир.

Манзур САЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

МАККАГА КИРИШ ҚОИДАЛАРИ ЎЗГАРДИ

Саудия Арабистони Ички ишлар вазирлиги хавфсизликни таъминлаш ва зияратни тартибга ўтказиш мақсадида 2026 йилги Ҳаж мавсуми олдида бир қатор чекловларни жорий этди.

"Saudi Press Agency"да хабар берилишича, жорий йил май ойи охирида Ҳаж мавсуми бошланади ва икки миллионга яқин зияратчилар келиши кутилмоқда. Шу сабабли, 13 апрелдан бошлаб Маккага кирмоқчи бўлган барча шахслар тегишли расмий идоралардан махсус рўхсатнома олишлари шарт. Умра визаси билан борганлар эса 18 апрелгача мамлакатдан чиқиб кетиши керак. Қонунбузарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши алоҳида таъкидланган. Ҳажга рўхсатномасиз борганлар тахминан 5 минг доллар миқдорда жаримага тортилади ва 10 йилга Саудия Арабистонига кириши тақиқланади.

ЭНГ КЎП ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИ ДАВЛАТЛАР РЕЙТИНГИ

АҚШ Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги прогнозлари ва "Trading Economics" таҳлиллари асосида пахта етиштирувчи етакчи давлатлар эълон қилинди.

Унга кўра, тахминан 7,7 млн. тонна пахта етиштириш билан Хитой бу борадаги етакчи мамлакат мақомини сақлаб қолмоқда. Ушбу мамлакат ҳиссасига жaxon пахтасининг 29 фоизи тўғри келади. Ҳиндистон тахминан 5,1 млн. тонналик (19 фоиз) кўрсаткич билан иккинчи ўринни эгаллади. Бразилия эса 4,2 млн. тонна (16 фоиз) пахта етиштиради. АҚШ қарийб 3 млн. тонна хомашё (12 фоиз) етиштириш билан тўртинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Покистон 1,1 млн. тонна (4 фоиз), Австралия 1 млн. тонна (4 фоиз), Туркия 0,7 млн. тонна (2 фоиз), Аргентина ва Европа Иттифоқи мамлакатлари тахминан 0,3 млн. тонна пахта ҳосили йиғиштириб олади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ХАРИТАСИ

Озиқ-овқат хавфсизлиги борасида "Nature Food" журнали тадқиқотига асосланиб эълон қилинган рейтинг асосий тоифалар — дон, мева, сабзавот, сўт маҳсулотлари, гўшт, балик ва дуккалик ўсимликлари қамраб олган бўлиб, мамлакатларнинг озиқ-овқат мустақиллиги ҳақида янада тўлиқ тасаввур беради.

Хатто АҚШ, Хитой ва Россия каби йirik давлатлар ҳам бу йўналишларнинг камида биттаси бўйича импортга қарам экан.

Етти та маҳсулот бўйича ўзини тўлиқ таъминлай оладиган ягона мамлакат — Гайана. Эътиборлиси, у фақат ички эҳтиёжни қоплабгина қолмай, қрамалли маҳсулотлар ва меваларни ортиқча миқдорда ишлаб чиқаради.

Хитой ва Вьетнам етти та тоифанинг олтитаси бўйича ўзини таъминлай олади. Бу икки мамлакатда сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш етишмайди.

«СОНГКРАН» ФЕСТИВАЛИДА ОДАМЛАР ҲАЛОҚ БЎЛДИ

"Сонгкран" — янги йилни англаувчи бу байрам Таиландда ҳар йили ўтказилади. Фестивалда одамлар бир-бирига сўз сепиши боис у дунёда "энг йirik сув жанги" сифатида машҳур.

Аммо тадбирдан кейин йўл-транспорт ҳодисалари, маст ҳолда машина бошқариш ва бошқа хавфли хатти-харакатлар кўпайиб содир бўлади.

"The New York Post" нашрида хабар беришларича, фестивалнинг дастлабки уч кунда 191 дан ортиқ ўлим, 951 та йўл-транспорт ҳодисаси ва 911 та жароҳат қайд этилган.

МАКТАБЛАР ПОЛИЦИЯ НАЗОРАТИГА ОЛИНАДИ

Шонлиурфа ва Қажрамонмарашдаги мактабларда содир бўлган муҳим воқеалар Туркия мамуриятини серғак тортишга ундамоқда. Мамлакат ҳукумати мактабларда хавфсизлик ва кўриқлаш тизимини янада оширди.

Бу ҳақда Ички ишлар вазири Мустафо Чифтичи ва Халқ таълими вазири Юсуф Текин иштирокида ўтказилган мажлисда маълум қилинди.

Қайд этилишича, Қажрамонмарашдаги мактабга қилинган ҳужум фондида зўравонлиқни тарғиб этувчи "Telegram" гуруҳлар юзасидан текширув бошланган. Айни дамда 940 та аккаунтга чеклов қўйилган, 93 та гуруҳ ёпилган ва 83 нафар гумонланувчига нисбатан ҳибсога олиш қарори чиқарилган. Мамлакатдаги барча мактабларнинг кириш қисмида икки нафардан полиция ходими назоратда турадиган бўлди.

ВИЛОЯТ ВА ТУМАНЛАР ТУГАТИЛИБ, ОКРУГЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Қирғизистон Президенти Садир Жапаров мамлакатда мамурий-ҳудудий тизимни тубдан ўзгартириш режалари ҳақида маълум қилди. У Ноокат тумани аҳолиси билан учрашувда тугатилган вилоят ва туманлар ўрнида 20 та округ ташкил этилишини айтди.

Унинг сўзларига кўра, ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, дастлаб бошқарув тизимини синиб кўриш учун пилот лойиҳа сифатида битта округ ташкил этилади ва у икки-уч йил давомда кузатилади.

Асосий мезон — ушбу округнинг республика дотация-фақиятли деб топилса, вилоят ва туманлар бутунлай тугатилиб, мамлакат округларга бўлинади.

Эслатиб ўтаимиз, ҳозирда республикада 44 та туман ва 33 та шаҳар мавжуд.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ИСЛОХОТЛАРИМИЗ ТАРИХИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ТАЖРИБАСИГА УЙҒУН

Бугунги кунда бу функцияни парламент амалга оширмоқда. Олий Мажлис палаталарининг роли сезиларли даражада кучайтирилиб, қонунлар қабул қилишда жамоатчилик фикрини инобатга олиш механизми кенгайтирилди. Айниқса, қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш амалиёти — бу замонавий "курултой руҳи"нинг ифодаси, десак, муболага бўлмайди.

Амир Темур даврида муҳим сиёсий қарорлар ишлаб чиқишида кенгаш, маслаҳат мушавират институтлари жуда катта роль ўйнаган. Бу ўша давр сиёсий маданиятини ўзида акс эттиради. Кенгаш орқали қабул қилинадиган қарорлар чуқур таҳлилдан ўтказилган, уларнинг муқобил вариантлари ҳам кўриб чиқилган. Бугунги ислохотларда эса бу жараён илмий-экспертлик институтлари, таҳлил ва "ақл" марказлари орқали амалга оширилмоқда. Давлат қарорлари бўйича таҳлил ва прогноزلантиришга катта эътибор қаратилаётгани — стратегик бошқаруving муҳим белгиси.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқларида илгари сўрилган ғоялар асосида Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурда илмий ва жамоатчилик экспертлари кенгашлари ташкил этилиб, самарали фаолият олиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Амир Темур бошқарувида машварат адолат ва ҳақиқат мезони саналган. У танқидий фикрга очик бўлгани билан ажралли туради. Янги Ўзбекистонда ҳам бу таъмоил амалда, хусусан, давлат органлари фаолиятининг очиклиги таъминланмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ошаётир, жамоатчилик назорати институтлари тизимли шаклланди. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнида "бир томонлама" эмас, балки "кўп овозли" ёндашув устуворлигини кўрсатади.

Амир Темур даврида қарорлар "муаммо — муҳокама — таҳлил — қарор — ижро — назорат" каби аниқ босқичларга асосланган тизим орқали амалга оширилган. Бугунги давлат бошқарувида ҳам айнан шу заңкир мустаҳкамланмоқда. Стратегик режалаштириш, норматив-ҳуқуқий асосларни яратиш, ижрони мониторинг қилиш, натижалар бўйича жавобгарликни кучайтиришга оид ислохотларни бунга қийслаш мумкин.

Шухрат ЁҚУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АНДИЖОН – «ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ МАДАНИЯТ ПОЙТАХТИ»

Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ Доимий кенгаши қарорига кўра, "Андижон — 2026 йилда туркий дунёнинг маданият пойтахти", деб эълон қилинган эди. Туркиянинг Анқара шаҳридаги ТУРКСОЙ бош қароргоҳида бу борадаги тадбирларга старт берилди, яъни Андижон тақдимотида бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Тақдимот

ТУРКСОЙ бош қотибияти, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли идоралар мутасаддилари, давлат ва жамоат ташкилотлари, парламент ҳамда дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тадбир аввалида Андижонга бағишланган видеоролик намойиш этилиб, унда вилоятнинг тарихий аҳамияти, миллий маданиятимиз ривожидagi ҳамда туркий дунёдаги ўрни, сўнги йилларда ҳудудда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинган. Жорий йилда Андижонда ташкил этилиши режалаштирилган тадбирлар ҳақидаги видеоролик ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг Андижон — 2026 йилда туркий дунёнинг маданият пойтах-

ти логотипининг тақдими ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар бу борада уюштирилган тадбирлар қардош халқлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Андижоннинг 2026 йилда "Туркий дунёнинг маданият пойтахти" деб эълон қилиниши нафақат Ўзбекистон, балки бутун туркий дунё учун аҳамиятли эканини таъкидлади.

Айтилганидек, ТУРКСОЙ минг йиллик тарихимизнинг бекиёс билим ва тажрибасини, ундан озиқланиб шаклландган, ривожланиб бойлган маданиятимизни асраб-авайлаш, дунёдаги нуфузини ошириш йўлида 33 йилдирки, саъй-ҳаракатларни давом эттириб келмоқда. "Туркий дунёнинг маданият пойтахти" лойиҳасига ҳам айнан шу нуқтаи назардан қараш, унинг қадриқиммати ва аҳамиятини шу тариқа англаш муҳим. Зеро, ушбу дастур ижроси 14 йилдан буён туркий оламнинг маданий меросини тарғиб қилиш, ша-

ҳарлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида изчиллик билан бажарилмоқда. Эндиликда бу шарафли байроқ Андижонга топширилди. Бу қадимий шаҳар буюк давлат арбоби ҳамда мутафаккир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд толган замин сифатида туркий дунё ва жаҳон тарихига ўз номини ўчмас излар билан муҳрлаган.

Шу билан бирга, қадимий цивилизациялар маскани — Андижон бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жадал ривожланиб бормоқда. "Туркий дунёнинг маданият пойтахти" лойиҳаси доирасидаги тадбирлар орқали мамлакатимизнинг анъана ва қадриятлари дунё миқёсида кенг тарғиб этилади.

Иштирокчилар ТУРКСОЙ бош қотибияти биносига уюштирилган Андижоннинг бой маданий қийфасини акс эттирувчи амалий санъат ҳамда фотосуратлар кўргазмаси билан таниди. Каштачилик, мискарлик, пичоксолик маҳсулотлари, сопол буюмлар ва суратлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

«Халқ сўзи».

Медиаҳафталик

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ЯРАТИШ БЎЙИЧА МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Сурхондарё вилоятида медиа соҳасининг фаол ҳамда изланувчан вакиллари бирлаштирилган медиаҳафталик ўз ишини якунлади.

Қорақалпоғистон ва Хоразмдан бошланган маҳорат дарслари Термиз шаҳрида янгича шижоат ҳамда бой таассуротлар билан давом этди. Лойиҳанинг асосий мақсади — маҳаллий ижодкорларни глобал ахборот маконида рақобатбардош қила оладиган замонавий билимлар билан қуроллантириш ва ҳудудий медиани сифатли контент яратишнинг янги босқичига олиб чиқилган иборат.

Ҳафталик доирасида турли йўналишларда ташкил этилган машғулотларда жами мингга яқин иштирокчилар, хусусан, 58 нафар матбуот қотиби, давлат ва нодавлат телеканалларнинг 66 нафар ходими, босма ҳамда электрон нашрларнинг 41 нафар журналисти жалб этилди. Шунингдек, янги медиатрендларга мос равишда 35 нафар фаол блогер, 250 нафар мобилограф, 250 нафар SMM устаси ҳамда 300 нафардан зиёд контент яратишга қизиқувчи ёшлар ушбу ўқув семинарларида фаол қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, воҳа медиа вакиллари нафақат тажриба алмашиди, балки маҳаллий ОАВ фаолиятини таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим излади. Бу ерда сунъий интеллект имкониятлари, фактчекнинг орқали ёлгон хабарларга қарши туриш ҳамда ахборот хавфсизлик қаби долзарб мавзулар муҳокама маркази бўлди.

Машғулотларни соҳанинг тан олинган экспертлари ва тажрибали амалиётчилари олиб борди. Хусусан, Нозима Топшўплатова босма нашрларнинг рақамли даврдаги трансформацияси ва медиа этикаси бўйича сабоқ берган бўлса, Умида Олимова тележурналистика, сиёсий репортаж, Юлдуз Олимова эса ҳужжатли фильм яратишнинг нозик жиҳатларини кўрсатиб берди. Икром Аввалбоев журналистлар учун ҳуқуқий ҳимоя масалаларига тўхталиб, Беруний Алимов дизайнформация шариоитида фактларни текшириш, инкирозли коммуникация стратегиялари силларини очди. Шунингдек, Абдуллоҳ Буврабаев, Муҳаммад Муродова ва Султонбек Қучаров каби мутахассислар блог юритиш, мобилография, ижтимоий тармоқлар алгоритмлари, контент яратишда нейротармоқ инструментларидан фойдаланиш бўйича энг сўнги трендларни иштирокчиларга етказди.

Айниқса, тасвир сифати ва операторлик маҳоратида бағишланган тренинглар қатнаш-



чиларда катта қизиқиш уйғотди. Контент маркази мутахассиси Рустам Шорайимов оператори материалнинг тўлақонли ҳаммуаллифи сифатида гавдалантириб, репортаж суратга олишда деталларнинг ўрни, кадрлар композицияси ва "Roopin" қурилмасида ишлаш техникасини ўргатди. Ушбу жараённинг мантйқий давоми сифатида замонавий репортаж ритмики шакллантириш, овоз билан ишлаш, мусиқа танлаш ва кадрларни бир-бирига усталик билан боғлаш бўйича ҳам кўникмалар берилди.

Лойиҳа давомида соҳа вакиллари ўз йўналишлари бўйича алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолда билимларини оширди. Газета ва журналлар бош муҳаррирлари ҳамда интернет нашрлари ходимлари, вилоят телеканалларининг муҳбир, тасвиричи ва монтажчилари, давлат идораларининг ахборот хизмати раҳбарлари, шунингдек, маҳаллий блогерлар, мобилографлар, SMM мутахассислари ҳамда медиа соҳасига энди қадам қўяётган ёш ижодкорлар учун махсус сессиялар ташкил этилди.

Ҳафталик доирасида ахборот соҳаси вакиллари учун иккита муҳим методик нашр тақдим этилди. Давлат органларининг ОАВ ва блогерлар билан муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи қўламан ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларни верификация қилиш бўйича йўриқнома мутахассислар учун кундалик иш жараёнида асосий кўмакчи бўлади.

Сурхондарёдаги мазкур ижодий мулоқотлар кенг қамровли медиафорум билан ўз якунига етди. Эътиборлиси, яқиний форумда 500 дан зиёд фаол иштирокчилар ҳам бўлиб, ҳафталик давомида олинган билимлар ва келгуси режалари муҳокама қилди. Лойиҳанинг кейинги босқичи жорий йилнинг 20 — 24 апрель кунлари Қашқадарё вилоятида давом этади.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога тақлиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан «O'zsanobatqirishbht» АТБ балансида бўлган:

Бўхоро вилояти, Когон тумани, «Беклар» МФЙ, Зиё Қобилов даҳаси, 298 даги замонавий иссиқхона (49-л) сотилади.

Сотиш шarti ва нархи билан «www.e-realtor.uz» сайти орқали танишишингиз мумкин.

Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имконияти бор.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар «e-realtor.uz» платформаси орқали ариза бериши керак.

Call-марказ: +99855-517-22-20.
Расмий сайтимиз: www.e-realtor.uz

1 июлдан «Янги Ўзбекистон» университетига давлат олий таълим ташкилотлари ректори (директори) лавозимига номзодларни тайёрлаш бўйича «Ректорлар мактаби» дастури йўлга қўйилади.



Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси:

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Глобал иқлим ўзгариши инсониятни қайта-қайта синовдан ўтказиб, дунё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсири тобора ортиб бораётган. Бу жараёнда энг кўп йўқотишлар қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келмоқда. Олиб борилган илмий тадқиқотларга кўра, 1961 йилдан буён иқлим ўзгаришлари оқибатда глобал қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги тахминан 20 фоиз камайгани, айниқса, ташишли ҳолдир.

Бугуннинг гапи

Зироатчилик бевосита табиат билан йўғун бўлиб, ҳатто ёнғингарчиликнинг кечикиши ҳам ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Иқлим ўзгариши асоратлари кейинги йилларда тез-тез такрорланаётган сел ва қургоччилик, ўртача ҳароратнинг кўтарилиши, экин ерларининг таназузга учраши, ҳосилдорлик камайиши каби омилларда яққол намоён бўлаётгани, бу, ўз навбатида, жаҳонда озик-овқат танқислиги ва истеъмол товарлари нархлари ошишига, пировадидида катта иқтисодий йўқотишларга олиб келаётган. БМТ Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотларига қараганда, сўнги 30 йилда биргина табиий офатлар қишлоқ хўжалигига 3,8 трлн. АКШ доллари миқдоридан зарар етказган.

агросаноат мажмуини илмий жиҳатдан ривожлантиришни амалга оширувчи давлат илмий муассасаси ҳисобланади. Шу боис эндиликда қишлоқ хўжалиги, ер муносабатлари билан боғлиқ ислохотларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш жараёнида мажбурий тартибда академияда илмий экспертизадан ўтказилади.

Академияда ёш академик, академия профессори, мухбир аъзо-си, ҳақиқий аъзоси (академик), хорижий аъзолар каби унвонлар бериш тартиби жорий этилиши унинг нуфузини нафақат миллий, балки халқаро даражада оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ғоятда долзарб бўлган биотехнология, физиология ва молекуляр биология, ген муҳандислиги ва гибрид уруғчилиги, "ақлли" қишлоқ хўжалиги, космик ва дрон технологиялари, ерлар дегрэдацияси ҳамда соғлом тулпроқ, органик қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат хавфсизлиги, ветеринария, рақамли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — буларнинг барчаси академия фаолиятининг устувор йўналишлари эди белгиланган. Бундан ташқари, кадрлар тайёрлаш масалаларида иштироки кенгайтирилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ақсарият олий ўқув юртиларида ўқув жараёнининг амалиёт билан етарлича боғланмагани сабабли битирувчиларнинг бандлигини таъминлашда муаммолар юзага келаётгани бор гап. Масалан, илгари Тошкент давлат аграр университети битирувчиларининг атиги 55 фоизи ўз соҳасида ишлаётгани аниқланган.

Бугун мазкур ва бошқа илм дар-

ношири ҳамда халқаро рейтинг ташкилотларининг "ТОП — 500" тақлиқ олий таълим ташкилотлари рўйхатига киритиш, шунингдек, илмий ишланмаларни тижоратлаштиришдан олинган маблағлар ҳажмини 3 баравар, халқаро ҳамкорликда амалга оширилган илмий тадқиқотлар сонини 3 қарра, қўшма таълим дастурларини 20 тага, халқаро аккредитациядан ўтган таълим дастурларини 4 баравар, ўқув-илмий лабораториялар сонини 20 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Тошкент давлат аграр университети салоҳиятини кўтаришга қаратилган бу сазой-ҳаракатлар аграр соҳадаги таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини уйғунлаштириб, аграр соҳани инно-

республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида ҳамда Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги "Ўзбекистон" курорт-соғломлаштириш санаторийларида саломатликни тиклаш курсидан бепул фойдаланиш тизими жорий этилди.

Энг асосийси, академикларни фан-таълим ва ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш, илм ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришда, шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлашда ролини кучайтириш учун уларнинг фан-таълим муассасалари ва саноят корхоналарида фаолият олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Шу орқали улкан илмий салоҳият ва бой тажрибага эга академияни

ролмай, пировадидида ҳосилдорликнинг сифат ва саноқ кўрсаткичларига хиддий пугур етати. Бу ҳол экологик омилларга нисбатан таъсирчан Ўзбекистонда ҳам яққол сезилмоқда.

Соҳани рақамлаштириш, "ақлли" қишлоқ хўжалиги тамойилларини амалиётга жадал татбиқ этиш илмий ўзгаришларининг таъсирини юмшатишнинг энг ишончли йўлидир. Шу боис академия олди-га аграр соҳани диверсификация қилиш, амалиётга илм ва инновацияга асосланган янги интенсив агротехнологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари доирасида, энг аввало, космик мониторингчи йўлга қўйиш, рақамли агротехнологиялар ва дронларни қўллашни омалаштириш вазифаси қўйилди. Бундан кўзланган мақсад улкан — аграр секторни индустриал ва технологик босқичга олиб чиқиш.

Қувонарлиси, юртимизда "ақлли" қишлоқ хўжалиги тамойиллари аллақачон амалиётга жорий қилина бошланди. У биринчилардан бўлиб иссиқхона деҳқончилигида, шунингдек, пахтачилик тармоғида қўлланилмоқда. Яъни анъанавий усуллардан босқичма-босқич равишда воз келишиб, ресурстежамкор юқори самарали интенсив агротехнологияга ўтиляпти.

Ушбу ўзгариш, аввало, ғўза уруғчилигидан бошланди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ғўза навларини янгилаш илоҳоти олиб бориляпти. Натижада қурғоқчилик ва шўрға, қўсақ курти ва гербицидга чидамли бўлган юқори ҳосилли хориж навлари экила бошланди. Самараси эса дастлабки йиллардаёқ яққол сезилди: илгари 35 центнердан кўп пахта олинмаган ерлардан икки қарра юқори ҳосил кўтарилиди.

Ғўза навлари алмашиши билан ўзбек пахтачилигига янги деҳқончилик маданияти ҳам кириб келяпти. Бу юртимизда 90 сантиметрли яккақатор чигит экиш схемасидан тўлиқ воз кечилгани билан изохлади. Эндиликда халқаро тажриба асосида уруғ 70x10 схемада қўсқатор қадалиб, ҳар гектар ер майдонида аввалги 160 минг туп ўрнига 240 минг туп кўчат ундириб олинмоқда. Кўп кўчат — мўл ҳосилга замин, дегани.

Яна бир муҳим омил бу пахтанинги пишиб этилиш даври тезлашиб, ҳосилдорлик ошишидир. Масалан, ҳосилдорлигини 70 центнерга етказган фермерда гектаридан 18 — 20 млн. сўмгача қўшимча даромад олиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, етиштирилган ҳосилни ёғин-сочишли кунларга қолмасдан, 1 октябрдан тўлиқ йиғиштириб олишга шароит яратилади. Шу маънода, "ақлли" қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон пахтачилигида бутунлай янги даврни бошлаб берди, десак, айни ҳақиқатини айтган бўламиз. Келгусида бундай янгилини самаралар аграр соҳанинги ёғин-сочишли кунларга қолмасдан, 1 октябрдан тўлиқ йиғиштириб олишга шароит яратилади. Шу маънода, "ақлли" қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини оддий муассасаси эмас, балки аграр соҳани инновацион ривожлантириш учун илмий янгилик ва кашфиётлар фабрикаси, мамлакатнинг марказий етакчи илмий даргоҳига айланади. Унинг салоҳияти, илм-фанни иқтисодийга боғлаш, яъни илмий изланишларни аграр соҳанинги реал муаммоларига йўналтириш ва рақамлаштириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини оширишга намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг қайта тикланиши замирида Ўзбекистон аграр соҳасини хомашиб экспортсидан юқори қўшимча қиймат яратадиган, саноатлашган иқтисодийга олиб чиқишдек улкан мақсад-муддаю муассасаси. Зеро, қайта тугилиб, бекиёб имкониятларга эга бўлган Академияда бошланган ишлар мамлакат иқтисодиётининг етакчи соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигининг илм ва инновацияга асосланган янги даврга ўтишида мустаҳкам кўприк бўлиб, барқарор тараққиёт сари кенг йўл очиб бераётди.

Бакриддин ЗАРИПОВ,
Мирзо Уллубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, Жаҳон физиологлар жамияти (Stokgolm) академиги,
Гулсара АХМЕДОВА,
Мирзо Уллубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти.



вацион ривожлантиришга қодир бўлган замонавий билимларни ўзлаштирган рақобатбардор кадрлар, етук мутахассислар тайёрлаш имкониятини янада кенгайтиради.

Ғамхўрлик

Илгари илм аҳлига, айниқса, қишлоқ хўжалиги илми фидойиларига эътибор, юмшоқ қилиб айтаганда, етарли даражада эмас эди. Игна билан қудуқ қазийша менгзалдагидан оғир ишни амалга оширган олимларни қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

қайта тиклашга мустаҳкам пойдевор ташланган эди, аслида.

Умуман олганда, сўнги йилларда барча соҳаларда амалга оширилётган шиддатли ислохотлар, айниқса, илм-фан, таълимдаги бемисл янгиликлар, олим ва зиёлиларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, ёшлар таълим-тарбияси йўлида баҳариланган кўламдор ишлар замирида ягона мақсад — Янги Ўзбекистон меъморининг Учинчи Ренессансга мустаҳкам асос яратиш миссияси муассасамиз эканлигини англаш қийин эмас. Академия эса ушбу ислохотларга қамраб олинган бўлиб, Юртбошимизнинг "Биз ўз олдимишга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғу мақсадни кўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улғубеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак", деган давлатига ҳамоҳанг иш олиб боради, албатта. Зеро, ўтмишга боқиб, ҳолис тақли қиладиган бўлсак, мамлакат бошқарувида олиб борилган одил сиёсат, давлатнинг илм-маърифатга қучли эътибори, таълим-тарбия устувор этиб қўйилгани ҳар иккала Уйғониб даврида ҳам энг муҳим жиҳат бўлган. Ҳеч муболағасиз, буларнинг барчаси юртимизда муҳайё эканлиги ҳамда қўлга киритилган янги амалдорларнинг етилиб келаётганига ишора бераётгандек, назаримизда.

Рақамлашув

Ҳозирги пайтда деҳқончиликда одатий ёндашув, анъанавий уруғчилик ва агротехнология билан қўйилган натижага эришиб бўлмапти. Асосий экинлар иқлим ўзгариши, айниқса, жазирама иссиқхона стрессли таъсирига дош бе-

Оқибатда илм ва амалиёт бир-биридан узоклашиб кетган, умрини илм-фан ривожига баҳишда қилган авлоднинг ҳафсаласи пир бўлган, ёшларда илм қилишга тоқат қолмаганди. Президент Шавкат Мирзиёев давлат тепасига келган, вазият тамомла яхши томонга ўзгара бошлади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10 августдаги "Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат нафақат аграр соҳа салоҳиятини янада ривожлантириш, балки мамлакатни иқтисодий тараққиёт этиришида илм-фан ролини кучайтириш, айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритилган академикларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш, машаққатли илм йўлини тарғиб қилишда дастуриламал бўлди. Унга кўра, 2017 йил 1 августдан бошлаб академиянинг ҳақиқий аъзолари учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдориди, мухбир аъзолари учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг етти баробари даражасида ойлик гонорар тўлаш, бир йилда бир марта

“ Қишлоқ хўжалигида илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш учун амалдаги институционал инфратузилмани ўзгартириш вақти келганди. Шу мақсадда илгари тарқоқ бўлган соҳадаги 22 та илмий марказ, 260 та лаборатория ҳамда 2,5 мингдан ортиқ олим ва илмий ходимлар ягона тузилма — Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига бирлаштирилмоқда. ”

гоҳларида меҳнат бозори талабига мос етук мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълим, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш интеграциясини узвий боғлайдиган тизим яратиб сазой-ҳаракатлари бошланди. Унга кўра, Тошкент давлат аграр университети мисолида айтганда, талабаларнинг 6,8 минг нафари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, корхоналар ва агрокластерларда, 2,6 мингдан зиёди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги 22 та илмий-тадқиқот институтида амалиёт ўтади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 11 апрелдаги "Тошкент давлат аграр университети фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аграр таълим тизимини сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтариш борасидаги инқилобий қадам бўлди, дейиш мумкин. Сабаби, ушбу ҳужжатда ўқув жараёнига илгор таълим технологияларини жорий этиш, таълим сифати ва илмий салоҳиятини ошириш, шунингдек, аграр соҳани барқарор ривожлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган берилди. Унга кўра, 2030 йилга қадар университетнинг халқаро нуфузи-

Интеграция

Юртимизда кейинги тўққиз йилда қишлоқ хўжалигини иқтисодиётнинг ҳақиқий драйверига айлантириш йўлида туб ислохотлар амалга ошириляпти. Чунки чорак асрдан зиёд вақт оралиғида бу соҳага деярли "тегинилмаган" эди. Оқибатда қишлоқ хўжалигида бошқа давлатлар билан рақобатга дош беролмай қолганимиз аччиқ ҳақиқат. Шундай пайтда Президентимизнинг қатъий иродаси билан, узок истиқболни кўзлаб қишлоқ хўжалигида "илм — фан — таълим — ишлаб чиқариш" интеграциясини чуқурлаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази негизиди Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ташкил этилгани айни мудоао бўлди.

Президент таъбири билан айтганда, қишлоқ хўжалигида илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш учун амалдаги институционал инфратузилмани ўзгартириш вақти келганди. Шу мақсадда илгари тарқоқ бўлган соҳадаги 22 та илмий марказ, 260 та лаборатория ҳамда 2,5 мингдан ортиқ олим ва илмий ходимлар ягона тузилма — Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига бирлаштирилмоқда. Академия қишлоқ хўжалиги соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар йўналишлари, узок ва яқин мuddатли дастурларни белгиловчи ҳамда мувофиқлаштирувчи,



Таэквондо:

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида таэквондо WT бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати яқунлади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси олтига — 3 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалларини қўлга киритди. 48 килограммгача вазн тоифасида вакилимиз Ёсинбек Одилов мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, олтин медал билан тақдирланди. Кечаги кун яқунларига кўра, М. Уктамонова (-63 кг.) ҳамда А. Самандаров (-51 кг.) ҳам олтин медалларга сазовор бўлди. Шунингдек, жаҳон чемпионатини А. Пақ (-78 кг.) ва А. Набиев (-68 кг.) кумуш, Ш. Холмуродов (-45 кг.) бронза медали билан яқунлади.



Чим устида хоккей: ЙЎЛЛАНМА ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Таиланднинг Бангкок шаҳрида чим устида хоккей бўйича эркаклар терма жамоалари ўртасида 2026 йилги Осиё ўйинларига саралаш турнири ўтказилди.

Мусобақада қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси мuddатидан аввал ёзги Осиё ўйинлари йўлланмасини ҳал қилди. Вакилларимиз дастлабки ўйинда Шри-Ланкага имкониятни бой берган бўлса, Хитой Тайпейи устидан 8:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Учинчи турда Бангладеш жамоаси билан дуранг қайд этган чим устида хоккейчиларимиз Осиё ўйинларига лицензияни қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, Аичи-Нагоя (Япония) ёзги Осиё ўйинлари 19 сентябрь — 4 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

Дзюдо: ДАСТЛАБКИ КЎНЛАРДА 5 ТА МЕДАЛЬ

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасидан хабар беришларича, Хитойнинг Ордос шаҳрида бошланган дзюдо бўйича катталар ўртасидаги Осиё чемпионатининг илк голиб ва совриндорлари маълум бўлди.



Финал баҳсларига етиб келган Л. Ҳайдарова (-48 кг.) ва С. Қадамбаева (-52 кг.) мос равишда мўғулистонлик рақиблари Ж. Анудари ҳамда Н. Мьягсаруенга имкониятни бой бериб, кумуш медални қўлга киритди.

60 килограммгача вазн тоифасида учинчи ўрин учун кечган беллашувда вакилимиз С. Қўчқоров қозониллик Ш. Давлатовни мағлубиятга учратиб, бронза медалига сазовор бўлди.

Хоккей: ТЕРМА ЖАМОАМИЗДАН ЙИРИК ҒАЛАБАЛАР

Гонконгда бўлиб ўтаётган хоккей бўйича 2026 йилги жаҳон чемпионати III дивизион "В" гуруҳи босқичи доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Шимолий Корея жамоасини 20:3 ҳисобида мағлуб қилди.

19 апрелга қадар давом этадиган мазкур турнирда Ўзбекистон терма жамоаси илк баҳсида Мўғулистон спортчиларини 26:1, Филиппин вакилларини 28:3 ҳисобидан ютганди. Энди юртдошларимиз Гонконг ва Люксембург терма жамоалари билан баҳслашади. Яқунда гуруҳ голиб-лигини қўлга киритган жамоа кейинги масвум учун бир поғона юқори — III дивизионнинг "А" гуруҳи йўлланмасига эга бўлади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

25 апрелдан Самарқанд ва Навоий вилоятларида «Искандар Зулқарнайн изларидан» номли халқаро марафон старт олади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.35 Топширилди — 03.05 1 2 3 4 5 6